

Ҳадис дарслари (91-дарс). Аллоҳнинг илми ва қудрати (бешинчи мақола)



13:09 / 24.06.2020 5811

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган ҳолда қўлларидаги чўп билан чизар эдилар. Бас, у зот бошларини кўтардилар ва:

«Сиздан жаннатдаги ва дўзахдаги манзили билинмаган бирор жон йўқ», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, (у ҳолда) нима учун амал қиламиз? (Ўшанга) суянсақ бўлмайдими?» дейишди.

«Амал қилинглари! Ҳаммага ўзи халқ қилинган нарса муяссар қилингандир», дедилар ва «Аммо кимки ато этса ва тақво қилса ва гўзални тасдиқ қилса, бас, уни осонга муяссар қиламиз» оятларини қироат қилдилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда қазо ва қадар масаласига мўминларнинг қандай муносабатда бўлишлари лозимлиги ҳақидаги улкан қоида баён қилинмоқда.

«Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган ҳолда қўлларидаги чўп билан чизар эдилар. Бас, у зот бошларини кўтардилар ва:

«Сиздан жаннатдаги ва дўзахдаги манзили билинмаган бирор жон йўқ», дедилар».

Ўша манзилларни яккаю ягона Зот – Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Агар Аллоҳ таоло буни билмаса, Аллоҳлиги қолмас эди. У Зотга нуқсон сифати нисбат берилган бўларди. Бошқа ҳеч ким мазкур нарсаларни билмайди. Баъзи бир саҳобалар бу гапни ўзларича англадилар ва Пайғамбар алайҳиссаломга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, (у ҳолда) нима учун амал қиламиз? (Ўшанга) суянсақ бўлмайдимиз?» дейишди».

Яъни, ҳар бир жоннинг жаннати ёки дўзахи бўлиши Аллоҳ таоло томонидан билинган бўлса, ўша илмга суяниб, ибодат ва амали солиҳ қилмай юраверса бўлмайдимиз? Албатта, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволга энг тўғри жавобни бердилар.

«Амал қилинглари! Ҳаммага ўзи халқ қилинган нарса муяссар қилингандир», дедилар ва «Аммо кимки ато этса ва тақво қилса ва гўзални тасдиқ қилса, бас, уни осонга муяссар қиламиз» оятларини қироат қилдилар».

Ҳа, айнан шариатга биноан амал қилиш кимнинг кимлигини ажратишга аломат бўлгандир. Ҳар кимни Аллоҳ таоло нима учун халқ қилган бўлса, ўша бандага мазкур нарсага олиб борувчи амаллар осон кўринади ва уларга амал қилишга ўтади. Бу ҳақиқатни Қуръони Карим ҳам таъкидлаган:

«Аммо кимки ато этса ва тақво қилса ва гўзални тасдиқ қилса, бас, уни осонга муяссар қиламиз» («Лайл» сураси, 5-7-оятлар).

Ким Аллоҳ таолонинг йўлида мол-дунё сарф қилса, Аллоҳ таолога тақво қилиб яшаса ва «гўзал сўз» – «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни тасдиқ қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатга киришни осон қилади.

«Ва аммо, кимки бахиллик ва истиғно қилса ва гўзални ёлғонга чиқарса, бас, уни қийинга муяссар қиламиз» («Лайл» сураси, 8-10-оятлар).

Ким Аллоҳ таолонинг йўлида мол-мулк сарфламай, бахиллик қилса, тақво қилишдан истиғно қилса ва «гўзал сўз» – «Лаа илааҳа иллаллоҳу»ни ёлғонга чиқарса, Аллоҳ таоло унинг дўзахга киришини осон қилади.

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан